2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 12-dekabr, payshanba | № 49 (9317) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Президент ташрифидан сўнг...

ОРЗУЛАР УШАЛГАН МАНЗИЛ – ХУШНУДЛИКЛАР КЎЗ ЎНГИДА БУНЁД БЎЛГАН ОБОД МАҲАЛЛА

Бешинчи қаватнинг очиқ деразасидан бир аёл кўринади. У нигоҳлари билан ҳовлидан кимнидир қидиргандай бўлади.

Ана, тўр девор билан ўралган яшил майдончада болалар копток тепяпти. Унинг ёнидаги қизил-сариқ тўшамали очиқ жойда эса қизалоқлар сирпанчиқ ўйнаяпти.

– Санжар, синглингга қара, – деди у овозини бироз баландлатиб. – Ўйнагани ёнингга тушиб кетди.

Кўп қаватли уйлар орасидан юриб, Хушнуд маҳалласи идорасини дараклаб кириб борамиз. Ҳар бир манзара, ҳар бир ҳолат кўнгилни шод қилади. Номига муносиб манзил.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни Янгиҳаёт туманидаги ушбу маҳаллада бўлиб, аҳоли ҳаёти, ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишган эди. Ташрифдан сўнг биз журналистлар ҳам у ерда бўлдик, оқсоқоллар ва ҳудуд фаоллари билан суҳбатлашдик.

– Бу жойлар олти-етти йил олдин эътибордан четда қолган ҳудуд эди, – дейди маҳалла раиси Орифжон Аликулов. – Ҳозир ўша чанг-лой йўллар, қамиш ўсиб ётган майдонлар ҳақида гапирсак, биров ишонмайди. Бекатга ёки мактабга бориш учун бир километрдан ортиқ пиёда юриш керак эди. Президентимиз 2017 йил бу ерларга келганларидан кейин ҳамма нарса бутунлай яхши томонга ўзгара бошлади. Асосий кўча катта халқа йўлига боғланди. Қисқа фурсатда кўприклар қурилди, метро келди. Маҳалламиз ҳам янги – 2021 йил ташкил этилган. Бу ерда 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та якка тартибдаги ҳовли-жой бор. Уларда уч мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Ўн бир минг нафардан зиёд аҳоли аҳил яшайди. Ҳамма хурсанд, кўнгиллар хотиржам. Аҳоли вакиллари, нуронийлар президент билан мулоқотда бундай шароитлар учун алоҳида раҳмат айтишди. Суҳбат жуда самимий бўлди.

Кўп қаватли уйларнинг асосий қисми, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари ҳам 2018 йилдан кейин қурилган. Бу ерда боғча, спорт мактаби, оилавий поликлиника, хусусий клиника, ишлаб чиқариш корхоналари, дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишламоқда. Маҳалланинг уч қаватли биноси ҳам шу йил бунёд этилди. Унинг биринчи қаватида “еттилик” хоналари, кутубхона, жадидлар бурчаги жойлашган. Юқори қаватларда аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатувчи ўқув маркази, хотин-қизлар учун фитнес зал фаолият олиб бормоқда. Ертўлада эса ёшларни касбга йўналтирувчи мономарказ ташкил этилган.

– Бу ерга кўчиб келганимизга беш йил бўлди, – дейди маҳалла фаоли Фотима Ҳасанова. – Ҳавас қиларли ўзгаришларни кўрдик. Маҳалламизни обод қилиш, йўл, сув, электр каби инфратузилмани яхшилаш борасидаги тарихий жадалликка гувоҳ бўлдик. Бу ишларнинг бошида турган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. Мен ҳам она сифатида атрофни озода сақлаб, болаларимга яхши тарбия бериб, бу эзгу амалларга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, маҳаллада бир юз эллик ўринли, замонавий шароитлар яратилган хусусий боғча фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Ушбу муассаса жорий йилда фойдаланишга топширилган ўн олти қаватли уйнинг биринчи-иккинчи қаватида жойлашган. Маҳаллада ёш болали, уйидан узоққа бориб ишлаш имконияти йўқ аёллар кўп. Улар учун шу ерга яқин жойларда тикувчилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш каби йўналишларда янги иш ўринлари яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда муҳим дастурлар айнан маҳаллаларда амалга оширилаётгани қувонарли. Натижа эса жойлардаги ободликда ўз ифодасини топмоқда.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Президент топшириғи амалда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: АГРАР СОҲА РИВОЖИ БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 10 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишда саноат, туризм, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор масалалар юзасидан масъулларга топшириқ берган эди.



Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш ва соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги билан танишиш мақсадида вазир Иброҳим Абдураҳмонов Тошкент вилоятига ташриф буюрди. Ташриф доирасида Тошкент вилояти ҳокимлиги фаоллар залида вазир Иброҳим Абдураҳмонов ҳамда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, дала четлари ва анчадан бери фойдаланмасдан келинаётган ерларни ўзлаштириш, инвестицион лойиҳаларни жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, вилоятда самарасиз ва ҳосилдорлиги кам бўлган ерларни таҳлил қилиб, манфаат берадиган маҳсулот экиш таклифини ишлаб чиқиш, 30 минг гектар пахта-ғалла ерларини бошқа экин турини экиш учун ажратиш, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 7 та туманда 52 минг гектарда 3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш, 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва токзорлар, қўшимчасига яна бошқа туман ва шаҳарларда 5 минг гектар боғ барпо этиш юзасидан чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди. Вазир ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилишда 99 корхона вилоятда фойдаланаётган 387 гектар ерларни тоифаси ўзгармаган ҳолда ишлатилаётгани, 2,5 минг гектар ер захирада турганини танқид остига олинганлиги ва бундан тегишли хулоса чиқариб, уни бартараф этиш чораларини зудлик билан ишлаб чиқиш топшириғини берди. Ушбу масалада жиддий ёндашиш зарурлиги, қишлоқ хўжалигида ишлатиш имкони бўлса, бунинг асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги белгиланди ҳамда “Ўздаверлойиҳа” мана шу ерларнинг тоифасини аниқлаб, таснифини белгилаб, корхоналарга тақдим этиши ва шартнома имзолашини қайд этди. Бинобарин, Тоштепа ҳудудида сел-сув омбори қуриш ҳамда унинг атрофидаги ерлар, вилоятда тоғ ён бағирларида мавжуд адирликлардан ҳам унумли фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди. Резавор мевалар, сабзавот ва кўкатлар етиштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш топширилди. Шунингдек, йиғилиш давомида 2025 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқ режа асосида ҳудудлар кесимида экиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда уни таъминловчи омиллар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шу билан бирга вилоятнинг қатор туманларида маккажўхори экишни кўпайтириш, қўзиқорин етиштиришга оид таклифларни шакллантириш масаласи ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Зеро, бугунги ислоҳотларнинг ўз вақтида ва самарали ташкил этилиши эртанги тараққиёт демак.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

УСТОЗ МЕҲНАТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Биология фани билимдони Озода Абдураҳмонова 40 йилдан буён Қуйи чирчиқ тумани Чақмоқ қишлоғи ҳудудидаги 25-ўрта таълим мактабида ишлаб, эъзоз топиб келаётир.



– Устоз мактабимиз фахри, – дейди мактаб директори Ўлмас Амонов. Ўқувчиларга замонавий таълим ютуқлари асосида дарс беришда ёш педагог ўқитувчиларга ибрат кўрсатиб келаётир. Икки нафар фарзанди ҳам устоз касбини танлаб, муаллимликни ардоқлашмоқда.

“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, камтарин устознинг таълим соҳасидаги узоқ йиллик меҳнати зое кетмади. Шу йил сермашаққат педагоглик фаолиятидаги ютуғи давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвони билан тақдирланди. Суратда: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Абдураҳмонова.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР УСТАСИ

Аёл гўзаллик ва нафосат тимсоли. Болаларча беғуборлик, меҳр-муҳаббат туйғуларини қалбида жойлаган буюк хилқат соҳибасидир.



Аёл – оила бекаси, суюкли ёр, меҳрибон она, мўътабар зот. Том маънода аёл бахти бу жамият бахтидир. Юртимизда бугунги кунда хотин-қизларга доимий эътибор берилиб, уларнинг хоҳиш-истаклари ва орзу умидларини рўёбга чиқариш борасида етарлича шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда. Бугун ҳар бир соҳада эркаклар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз ҳар тамонлама интеллектуал салоҳиятга эга мутахассис бўлиб етишган. Юрт тараққиёти йўлида илғор меҳнат қилаётган фидойи аёлларимизни эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Шундай меҳнаткаш айёлларимиздан бири шовотлик Гулчеҳра Нуруллаевадир. У қарийб ўн йилдан буён “Uztex Group” Шовот филиалида иш фаолиятини олиб бормоқда. “Uztex Group” Шовот филиали Хоразмдаги энг йирик ва кўзга кўринган пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

– Мен илк иш кунимда Моҳира Тожиевага шогирд тушганман. У менга касб сирларини ўргатган, – дейди Гулчеҳра Нуруллаева. – Ҳар куни яхши кайфият билан ишга борамиз. Ишимиз унумли ва самарали ташкил қилинган. Барчамиз аҳилу иноқ, бир оиладек ишлаймиз. Кунига икки минг жуфт пайпоқ ишлаб чикарамиз ва экспорт киламиз. Биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар жаҳон бозорида муносиб ўрин тутади. Раҳбаримиз С.Хаджаев бизга етарли даражада шарт-шароит яратиб берган. Бунинг учун унга миннатдорчилик билдирамиз.

Гулчеҳра опа бугунги кунда юздан зиёд шогирдлар тарбиялаган, ўз касбининг моҳир устасидир. Унинг келгусидаги ишларига омадлар тилаймиз.

Асадбек ЮСУФ,
ЎзЖОКУ талабаси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КУН САРИ

Жорий йилнинг 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бешинчи парламент мурожаатномаси мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.



Нодирахон ЖЎРАЕВА,
Фарғона давлат университети Жаҳон ва минтақа иқтисодиёти кафедраси мудири.

Бешинчи Мурожаатнома ўзига хос хусусиятларига кўра, бу борада орттирилган миллий тажриба ва кўп йиллик хорижий амалиётдан мутлақо фарқ қилди. Биринчидан Мурожаатномада мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида янги таҳрирдаги Конституциянинг таъсири ва илк амалий натижалари чуқур таҳлил этилди. Янги Ўзбекистон Конституциясини ҳаётимизнинг барча соҳасига теран татбиқ этиш истиқболлари белгилаб берилди. Иккинчидан Мурожаатнома парламентга яхлит ва ягона дастурий ҳужжат сифатида тақдим этилмасдан, балки Президентнинг “парламент ҳафталиги” доирасида уч кун давомида – янги сайланган Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларида алоҳида нутқлар тарзида эълон қилинди. Шундай қилиб, кейинги саккиз йилда Янги Ўзбекистон тажрибаси давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси том маънода ҳаётий дастур, халқимизга ҳар томонлама манфаати тегадиган салмоқли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат экани ўз исботини топди.

(Давоми 2-саҳифада)

Йиллик экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва маҳсулотлар таркибида тайёр товарлар улушини 50 фоиз даражасига кўтариш вазифаси қўйилди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ КУН САРИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари янги ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишлари ҳақида гапириб, асосий эътиборни макроиқтисодий кўрсаткичларга оид вазифаларга, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш истиқболларига, иқтисодиёт ва аҳоли даромадини оширишда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда саноат кооперацияси масалаларига қаратди. Шунингдек, келгуси беш йилда иқтисодиётда хусусий сектор улушини 85 фоизга етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш вазифаларини белгилаб бердилар. Президентимиз юқори палата аъзосига нисбатан янгича таъриф бериб, “Сенатор деган ном – юксак ва шарафли мақом” эканлигини таъкидлади. Бугунги кунда сенат аъзоларининг 27 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бўлиб ўтган сайлов жараёнларида 15 миллондан зиёд сайловчилар қатнашди. Сайлов жараёнлари шаффофлик, очиқлилик, ошкоралик тарзида ўтказилди. Сайловнинг барча босқичлари рақламлаштирилди. Сайловда миллий ва хорижий кузатувчилар иштирок этди.

Иқтисодий барқарорлик ва ўсишнинг янги босқичлари масаласида Президентимиз иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор сақлашга алоҳида урғу бердилар. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини 6-7 фоизда ушлаб туриш ва инфляцияни 5-6 фоиз оралиғида сақлаш келгусидаги муҳим мақсадлар сифатида белгиланди. Бундан ташқари, экспорт ҳажмини ошириш, аниқроғи, йиллик экспорт ҳажмини



45 миллиард долларга етказиш ва маҳсулотлар таркибида тайёр товарлар улушини 50 фоиз даражасига кўтариш вазифаси қўйилди. Юз миллиард долларлик хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб этиш режалаштирилган бўлиб, бу миллий иқтисодиётга катта туртки беради. Мурожаатномада норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш” масаласи ҳам кўтарилди. Бу борада рақамли технологияларни жорий этиш ва нақд пулсиз тўловлар улушини ошириш режалари тақдим этилди.

Албатта, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини ошириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни ўз ичига олди. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини олсак, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш устувор вазифалар сифатида кўрсатилди. Давлат мактаблари ва тиббий муассасаларни замонавийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қолаверса, ёшлар сиёсатини кучайтириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали бандликни ошириш режалари таъкидланди.

Давлат бошқаруви ва қонунчиликни ривожлантириш борасида ҳам муайян йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш доирасида қонунчиликни ЖСТ битимларига мослаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этилади. Мурожаатномадан экологик муаммоларни ҳал қилиш ва ресурсларни самарали бошқариш масалалари ҳам кенг ўрин олган. Президентимиз сув ресурсларини тежаш, энергия самарадорлигини ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади.

Юртбошимиз ташқи сиёсат масалаларига тўхталар экан, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Бу доирада Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш ва трансмиллий таҳдидларга қарши кураш бўйича янги ташаббуслар эълон қилинди.

Сирасини айтганда, жорий йилги мурожаатнома Ўзбекистонни яқин беш йилда ривожлантириш бўйича кенг кўламли режаларни акс эттирди. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни модернизация қилиш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадларни белгилади. Ушбу стратегик йўналишлар мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида бошлаган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор. Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Зеро, табиатни асраш – инсонни асраш демакдир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”, деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, жаҳондаги қатор ривожланган мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат томонидан кафолатланган.

ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларига ҳамда жамият ва давлат манфатларига зарар етказиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қабул қилинган қарорлар ижроси бажарилмаслиги оқибатида жамиятимизда бир қатор ижтимоий жиҳатдан зарарли иллатларнинг такрорланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, натижада бир қанча фуқароларнинг жабрланувчига айланиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, маълум бир жабрланувчининг қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида бировнинг мулкини ўзбошимчалик билан тортиб олиш миллий қонунчилигимизга зид келишини англаш қийин эмас, зеро кишининг қонунни билмаслиги унинг жавобгарликдан озод қилинишига сабаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан буён жамиятимизда кенг демократлаштириш ишлари жадаллаштирилиб, кучли фуқаролик жамияти яратиш сари интилмоқда экан, охирги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан амалга ошириш оқибатида маъмурий ва жиноят қонунчилиги талаблари бузилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 200-моддасида назарда тутилган, ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириши ҳисобланиб, бунда фуқароларга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Агар ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган ҳуқуқбузар бир йил давомида фуқаролик ҳуқуқлари ёки қонуний манфатлари, шунингдек, давлат ва жамоат манфатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Мазкур моддага кўра, шу қилмишни амалга оширган шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Биргина Тошкент шаҳар Миробод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими мисолида жорий йилнинг 10 ойи давомида фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмасликлари оқибатида ўзбошимчалик билан боғлиқ бўлган 8 та ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳамда Жиноят Кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолат бўйича 6 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов ҳаракатлари жараёнида фуқаролар қилган жиноятларини англаб етган ҳолда ўз айбларига иқрор эканликларини маълум қилишган. Бундан ташқари, фуқароларга қонун барчага баробарлиги, жиноят учун жазо муқаррарлиги таъкидлаб ўтилиб, тегишли қонунга мувофиқ, ҳар қандай фуқаро ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Фуқаролар ариза, шикоят ва таклиф орқали ўз мурожаатларини ёзма, оғзаки ва электрон тартибда тегишли давлат органларига тақдим қилишлари мумкинлиги ҳақида ҳуқуқий тавсиялар берилиб, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида ҳар бир тергов идораси ходими томонидан ойига тўрт маротаба маҳалла фуқаролар йиғинлари, идора ва ташкилотларда жиноятларнинг олдини олиш юзасидан турли мавзуларда чиқишлар ва давра суҳбатлари ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу билан тергов идоралари ходимлари фуқароларнинг жиноят қурбонига айланишларининг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда фан-техника ривожланган даврда яшаётган эканмиз, технологик коммуникацион тизимнинг ривожи кишилик жамиятининг яна бир пағонага кўтарилишига сабабчи бўлганлигини эътироф этиш зарур. Шундан келиб чиқиб, фуқароларимиз ҳам замон талабларига мос усулда ўзларининг қизиқтирган саволлари ва бошқа турдаги мурожаатларини электрон тартибда давлат органларига билдирадилар.

Ҳурматли фуқаролар, ўзбошимчалик жиноятидан азият чекяпсизми, сизга тегишли бўлган мол-мулкингиз ёки бошқа турдаги ҳуқуқларингиз поймол бўлмоқдами, унда сиз ўрнатилган тартибда давлат органларига мурожаат этинг. Сизнинг мурожаатингиз эътиборсиз қолдирилмасдан, қонуний тартибда кўриб чиқилади ҳамда бу ҳақда сизга маълум қилинади. Ўз ҳақ-ҳуқуқларингиз поймол бўлишига йўл қўйманг! Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг муҳофазасидадир.

Жасур БЕГМАТОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими ахборот таҳлил бўлинмаси катта суриштирувчиси, майор.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ

Халқ қабулхонаси Наманган шаҳар бўлими фаолиятига бир назар

Халқ қабулхоналарни адолат ва умид даргоҳи, дея мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда. Бу ҳолатнинг ижобий томони, фуқароларнинг ҳақиқат излаб, адолат қидириб, муҳтожликларини бартараф этишни истаб қилаётган мурожаатлари тажрибали ва билимли ҳуқуқшунослар томонидан чуқур таҳлил этилиб, уларни қийнаётган муаммоларга кўпроқ ечим топилаётганидадир. Салбий томони эса, айрим маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа идора ҳамда ташкилотларнинг мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимлари арзланувчилар муаммоларини тезкорлик ва шаффофлик тамойиллари асосида қонуний ва холисона ҳал этмаётганидир.



Жорий йилнинг ўн ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган шаҳри Халқ қабулхонаси бўлимига 9,1 мингтадан ортиқ мурожаат келиб тушди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 215 тага кўпдир. Ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири, киши қадри ётганини ҳисобга олсак, ҳал этилган муаммонинг аҳамияти нақадар муҳим эканини ҳис этамиз.

Наманган шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Ҳасанбой Қосимов ҳузуридамиз. У билан суҳбатда шу ҳолат аён бўлдики, пенсия ва ижтимоий таъминот, алимент ва қарзларни ундириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари фаолияти, меҳнатга ҳақ тўлаш, дафтарлар асосида ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар ва улар бўйича иш юритишга оид муаммолар, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, моддий ёрдам ва ҳомийлик масалаларида мурожаатлар бир мунча ошган. Кўп ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва саводхонлиги етарли даражада эмаслиги туфайли, қонун ва қонуности ҳужжатларидан бехабарлиги сабабидан улар ўзларининг муаммолари ечимини қайси идорадан қидиришни ҳам аниқлай олмайдилар. Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш, алимент ундиришга оид ҳужжатлар вақтида ўрганилмаслиги ҳам фуқаролар мурожаатлари ортиб боришига олиб келмоқда.

– Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани оқилона ва савобли иш бўлди, – дейди Ҳасанбой Қосимов. – “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳам ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратишдир. Камбағалликни қисқартиришда бу ҳужжат бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятимиз ҳаётида ютуқлар кўп, аммо, уларнинг соясида қолиб кетаётган муаммолар ҳам бор. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш жараёнида шаҳримизда ночор аҳволда яшовчи, муқаддам бирор ташкилотга мурожаат қилмаган оилани аниқлаб, Халқ қабулхонаси раҳбари сифатида ўзим ва ҳомий дўстларим билан мазкур хонадондаги уйларни таъмирлаб, оила камбағалликдан чиқарилди.

Ҳасанбой Қосимов бизни шаҳарнинг иккинчи сектор ҳудудидаги “Даштбоғ” МФЙ Ғирвонсой кўчаси йигирманчи уйига таклиф қилди. Ёши етмишлар атрофидаги Ёқубжон ота Юсупов қарши олди.

– Бу оила яшайдиган уйлар ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида таъмирланмай, абгор ҳолатга, тўғриси, яшаб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолган экан, – дейди ҳамроҳим. – Бу хонадон оила бошлиғи Ёқубжон Юсупов қирқ йил “Навбаҳор” футбол клубида матбуот масалалари бўйича ходим бўлиб ишлаган. Унинг қирқ яшар ўғли болаликдан биринчи гуруҳ ногирони. Бола дардман бўлса, кимга қийин онаизорга қийин. Муштипар Зуҳрахон она боласи туғилганидан то шу кунгача куну тун ногирон ўғлининг парвариши билан овора. Бу кўргуликлар етмаганидек, қизи Машҳуранинг оилавий турмуши ўхшамай, эридан ажрашиб, саккиз йилдан бери икки фарзанди билан ота-онасининг хароба ҳовлисида яшар экан.

– Тезкорлик билан чоралар кўрилиб, совуқ тушмасидан аввал Ёқубжон Юсупов уйининг томлари ва шифт қисми тўлиқ янгиланди, – дейди қабулхона мудири. – Уйга кириш дарвозаси янгиланди. Ташқи деворлар таъмирланиб, ичкарига оғилхона қуриб берилди. Ҳовлига қўлбола иссиқхона қурилиб, кўкатлар экилди. Икки ойга етадиган сабзавот маҳсулотлари билан таъминланди.

Шунингдек, йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳардаги “Мажнунтол” МФЙда яшовчи Райҳона Якуббоева кам таъминланган оила аъзоси сифатида даволаниш учун маблағ сўраб мурожаат қилган эди. Унинг муаммосини ҳал этиш учун Халқ қабулхонаси томонидан халқ депутатлари шаҳар кенгашига ахборот киритилди. Шунга асосан унга даволаниш учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ғиштқўприк маҳалласи Намангансой кўчасида яшовчи Дилшода Одилова мурожаат қилиб, кўп қаватли уйнинг 8-қаватида яшаши, икки йилдан буён лифт ўрнатиб берилмаганлиги, чиқинди ташлаш учун жой йўқлиги ҳақида эътироз билдирган эди. Халқ қабулхонаси аралашуви билан ушбу уйга лифт ўрнатилди ва чиқинди ташлаш жойи ташкил этилди. Чинор маҳалласи Лангар кўчаси 11-уйда яшовчи Азиза Ашурова суғурта компаниясига пул маблағи ўтказиб, ушбу маблағни қайтариб ололмаётганидан шикоят йўллайди. Унга Халқ қабулхонаси аралашуви натижасида 35 миллион сўм маблағ ундириб берилди. Шунингдек, Ғунча маҳалласида яшовчи Алишер Тожираҳимов анча йиллардан буён ишсизлиги сабабли ишга жойлашишда ёрдам сўраб мурожаат қилганди. Шифохонага боғбон вазифасига ишга жойлаштирилди.

Ўнлаб мурожаатчиларнинг масалалари маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлса-да, айрим масъулларнинг сансалорликлари туфайли аризачилар юқори идораларга, ҳатто, давлатимиз раҳбари қабулига кириш масаласида ҳамшаҳарларимиз ўн еттида мурожаат қолдиришган. Шаҳар секторлари, ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари томонидан ушбу мурожаатларнинг қонуний ечимини топиш учун чуқур ўрганиб чиқилди. Шундай мурожаатларнинг 7 таси вилоятнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Ўн нафар мурожаатчига эса тушунтириш берилди.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойида 11 та ташкилотда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ўрганиб чиқилди. Аҳоли мурожаатларига масъулиятсизлик ва эътиборсизлик билан муносабатда бўлган масъулларга нисбатан 16 та тақдимнома, 17 та таклиф ва 41 та кўрсатма берилди. Натижада етти нафар масъул ходим огоҳлантирилган бўлса, етти нафарига хайфсан интизомий чораси қўлланилди, яна етти нафар раҳбарга нисбатан маъмурий жавобгарлик жазоси қўлланилди. Танганинг икки томони бўлганидек, мурожаатлар билан ишлашда яхши натижаларга эришган олти нафар мутахассис муносиб рағбатлантирилди.

Ўтган давр мобайнида шаҳар халқ депутатлари кенгашларига аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлаш фаолияти ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг ишлари натижадорлиги юзасидан 14 та ахборот киритилиб, сессияларда 12 нафар сектор, идора ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Киритилган ахборотлар юзасидан камчиликларни бартараф этиш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган кенгаш қарорлари қабул қилинди. Умумий мурожаатларнинг 2819 таси ижобий ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тасдиқланган режага мувофиқ шаҳар секторлари раҳбарлари томонидан ўтган даврда 2682 маротаба аҳоли билан сайёр қабуллар ўтказилди. Қабулларда 845 та масала келиб тушган бўлса, уларнинг 541 таси ижобий хал этилди.

– Наманган шаҳрида инсон қадр-қиммати барча нарсадан устун эканлиги учун, ҳамшаҳарларимизга муносиб ҳаёт шароитларини яратиб бериш ҳақида доимий қайғуриб келинмоқда, – дейди Ҳасанбой Қосимов. – Иш фаолиятимизда давлатимиз раҳбарининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан зиммамизга юклатилган вазифалар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, шаҳар халқ қабулхонаси ходимлари фаолияти билан яқиндан танишгач, фуқаролар мурожаатларига қатъий эътиборли бўлиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш асносида одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун астойдил хизмат қилинаётганлигига амин бўлдик.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
журналист.

Оилавий ажримларнинг вужудга келишига қандай омиллар сабаб бўляпти?

Худоёр МЕЛИЕВ:
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ АНИҚЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШТИРОКИ ЖУДА МУҲИМ

2024 йил 6 декабрда "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Ушбу қонун жамият ва давлат учун қанчалик аҳамиятли? Қонун ижросини самарали ташкил этиш учун нима қилиш керак?

Адлия вазири ўринбосари Худоёр МЕЛИЕВ билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

– Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупция ва шу каби бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш каби мақсадларга манфаатлар тўқнашувини тартибга солмай эришиб бўлмайди. Мазкур қонунда манфаатлар тўқнашуви, у билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солиниши, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашга доир чоралар, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар каби масалалар акс этган.

Жамият ва давлат учун бу нима беради? Бу, аввало, ҳар қандай соҳадаги ривожланишга тўсиқ бўлаётган иллат – коррупция ҳолатларининг олдини олади. Шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши йўлидаги хатти-ҳаракатларини бартараф этади. Муҳими, давлат бюджети ноқонуний ўзлаштирилишининг олди олинади. Давлат ташкилотларида меҳнат муносабатлари ва давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.



– Қонун кимларга нисбатан татбиқ этилади?

– Қонун давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек, устав фондида давлат улуши

50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан татбиқ этилади.

Шунингдек, мазкур қонун ўз устав фонди (устав капитали)да давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан фақат уларнинг давлат харидлари соҳасидаги муносабатларига татбиқ этилади.

– Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимларига қандай чекловлар ўрнатилди?

– Қонун билан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларига нисбатан чекловлар белгиланди. Жумладан, ходимлар шахсий наф олишга, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга, бўйсунувчи ёки назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, тижорат ташкилотларининг таъсисчиси бўлишга, ўзи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги улушларига эгалик қилишга, унинг бошқарув органи аъзоси бўлишга, ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ўзига ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишга, ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг мол-мулкини сотиб олишда ёки ижарага олишда ўзи иштирок этишга ҳақли эмас.

– Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қандай аниқланади?

– Қонунда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш бўйича қоидалар назарда тутилган. Унга кўра, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари: эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациядан; давлат харидлари жараёнида олинган таклифлардан, харид комиссияси мажлисларининг баённомаларидан, тузилган шартномалардан; манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги мурожаатларидан ёки хабарларидан; тижорат ташкилотларининг аффилланган шахслари ва якуний наф олувчилари (бенефициарлари) рўйхатларидан; Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модулидан; "ФҲДЁ Ягона электрон архиви" ахборот тизимидан; «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро аппарат-дастурий мажмуидан; Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан; махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимнома асосида аниқланади.

– Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунга риоя этилишини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Мазкур ишчи гуруҳ томонидан қонунни амалга ошириш бўйича намунавий дастур ишлаб чиқилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва унинг талабларига риоя этилиши бўйича семинарлар ўтказилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқитиш режа-жадвали ва "Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш" мавзуси бўйича қисқа муддатли курснинг ўқув дастури тасдиқланди.

Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот материаллари тўплами (аннотация, слайд, инфографика) тайёрланиб Ягона ҳуқуқий ахборот алмашиш тизими орқали 86 вазирлик ва идорага, 9 минг 455 маҳаллага ҳамда ҳудудий адлия органларига етказилди.

Қонунда белгиланган талабларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларида риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказилди ва аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди.

– Ҳокимликларда ўрганишлар ўтказилгани ҳақида гапирдингиз. Ушбу ўрганишларда нималар аниқланди ва улар бўйича қандай чоралар кўрилди?

– Ўрганишлар давомида бир қатор ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари тадбиркорлик субъектларида таъсисчилар сифатида иштирок этаётгани аниқланди. Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўрсатма хатлари ва огоҳномалар юборилди.

– Қонун қабул қилинганидан сўнг давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилдими?

– Албатта, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқитиш режа-жадвали ва "Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш" мавзуси бўйича қисқа муддатли тематик курснинг ўқув дастури тасдиқланди. Ҳозирги кунга қадар 42 давлат органи ва ташкилотларининг 7,3 мингга яқин ходими масофавий шаклда ўқитилиб, билим ва малакаси оширилди.

Шу билан бирга, қонун мазмун-моҳияти юзасидан тест саволлари ишлаб чиқилиб, вазирликнинг махсус "test.adliya.uz" сайтига жойлаштирилди ва давлат органлари ва ташкилотлари бошқарув ходимларининг тест синовларида иштироки таъминланди.

Миллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан махсус ўқув - тренинглар режа - жадвали тасдиқланди ва ННТлар вакиллари учун онлайн ўқув-семинар, ОАВ вакиллари учун махсус ўқув-тренинглар ташкил этилди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари учун "Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва уни ҳал қилиш чоралари" мавзусини ўз ичига олган махсус ўқув курслар ташкил этилди. Бугунги кунга қадар ушбу курсларда 5 минг 420 нафар маҳалла раиси ўқитилди.

Германиянинг К.Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Осиёда қонун устуворлиги дастури билан ҳамкорликда "Давлат муассасаларида коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги тизимли ислоҳотлар асосида юридик кадрларнинг малакасини ошириш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

– Қонуннинг қабул қилиниши бошқа қонунчилик ҳужжатларига қандай таъсир қилади?

– Мазкур қонун қабул қилинганидан кейин Адлия вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда қонунчилик ҳужжатлари хатловдан ўтказилди. Натижада "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонундан келиб чиқиб айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси ва Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

– Ҳозирда коррупциявий ҳолатлар ёки жиноятларни аниқлашда жамоатчилик иштирокидан кенг фойдаланилмоқда. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлашда жамоатчиликнинг иштироки қанчалик муҳим?

– Албатта, қонуннинг амалиётда кенг қўлланилишини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки жуда муҳим. Қонуннинг ўзида ҳам давлат органлари ва ташкилотларга манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда ўрнак бўлаётган ходимларни рағбатлантириш чораларини кўриш бўйича қоида назарда тутилган. Шунга асосан Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда ўрнак бўлаётган адлия органлари ва муассасалари ходимларини рағбатлантириш бўйича адлия вазирининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

Бу каби ишлар бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлашда фаол ёрдам берган шахсларни рағбатлантириш тартиби ва миқдорларини белгилаш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари тасдиқланди.

– Қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик қандай жавобгарликка сабаб бўлади?

– Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилди. Унга кўра, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси ёки ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳақида хабар бермаслик БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кодексда давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахсига маълум бўлиб қолган, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаслик учун ҳам жавобгарлик белгиланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда қонунни амалиётга кенг жорий қилиш бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашувига қарши бутун жамият биргаликда курашиши яхши самара беради. Шу сабабли фуқароларимизни ушбу масалага бефарқ бўлмасликка чақирамиз.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

Бугунги кунда мамлакатимизда никоҳдан ажралишлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, жамиятимиз қандай ҳолатга келиб қолишини тасаввур қилиш қийин. Зеро, оила жамиятнинг ривожида жуда катта рол ўйнайди. Мамлакатимизда ўтган йили ажралишлар сони 2022 йилдагига нисбатан кўпроқ бўлди. Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, ўтган йили 49 минг 200 оила никоҳдан ажрашган. Шундан 29,9 минг оила шаҳар, 19,3 мингтаси қишлоқ аҳолисидир. Айнан оила муносабатларининг бундай дарз кетишига кўпгина омилларнинг таъсири сезиларли даражада деб ҳисоблаймиз. Бу каби ҳодисаларнинг вужудга келишига қандай омиллар сабаб бўляпти, деган саволлар ҳаммамизга қизиқ.



Оилавий ажрим – ГЛОБАЛ МУАММО(МИ?)

Оилавий ажримлар бугунги кунда долзарб муаммо, жамиятимизнинг оғриқли нуқтасига айланиб улгурди. Юртимизда жар ёқасига келиб қолган оилаларни асраб қолишга, болаларни тирик етим қилмасликка жиддий эътибор қаратилаяпти. Маҳалла фаоллари, маънавият ва маърифат тарғиботига дахлдор ташкилотлар ва кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларига қарамай, афсуски, оилавий ажримлар сони кескин ошяпти. Хўш, нега ажримлар, оилада низоли ҳолатлар вужудга келаяпти. Оқибатлар ўрганилганда, оилаларнинг ажралиб кетишига моддий етишмовчилик, учинчи шахс аралашуви, бефарзандлик, жуфти ҳалолига хиёнат, узоқ вақт бирга яшамаслик, ўзаро бир-бирини тушунмаслик сабаб бўлаётгани ойдинлашади. Тан олиш керак, оилаларнинг бузилиб кетишига қайнона-келин муносабатларининг ёмонлашуви, ачинарлиси, жаҳл устида айтилган биргина аччиқ гап ҳам сабаб бўлмоқда. Икки-уч болали ота-оналарнинг характеримиз тўғри келмади, деган важ билан ажрашиш ҳақида қарор қабул қилишаётгани, вояга етмаган фарзандларининг келгусидаги тақдирини ўйлаб ҳам кўришмаётгани, ҳаётнинг кичик бир зарбасидан гангиб қолиб, зиммасидаги юксак масъулиятни унутаётгани қалбларни ларзага солади. Ўзбекистонда муносабатларни қонунийлаштирадиганлардан кўпроқ уни бузмоқчи бўлганлар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Никоҳ қуриш ва никоҳни бузиш сонларидаги фарқ йилдан йилга қисқариб бормоқда. Ўтмишда одамлар жуда сабрли бўлиб, турмушга хос бўлган анъаналар ва қадриятларни ҳурмат қилган ҳолда оилавий муносабатларни бузмасликка ҳаракат қилишган. Аммо бугунги ўзбек жамиятида оила тушунчаси ўзининг чуқур маъносини бирмунча йўқотди. Оилаларнинг ажралиб кетишига кўплаб сабабларни келтиришимиз мумкин. Улардан бири сифатида Ўзбекистон шароитида фарзандини мажбурлаб турмушга бериш ҳали оила қуришга тайёр бўлмаганлигини ҳам инобатга олмасдан, йигитларни ўзларининг кўнгли бўлмаган қизга мажбуран уйлантириш, оилавий анъаналарга кўра фақатгина келинни йигитнинг ота-онаси танлаб бериши, шунингдек, дўстлик муносабатларини, қариндошчилик муносабатларини янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш мақсадида қурилган никоҳлар ҳам кўпга бормасдан бузилиб кетаётганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. Кейинги асосий сабаблардан бири оилавий муносабатларга учинчи шахсларнинг доимий аралашувини келтирсак бўлади. Лекин учинчи шахслар тоифасига киритилган шахсларнинг аниқ сони ва таркиби келтирилмаган. Ёши катта инсонлар ёшларга оила соҳасида бир қанча маслаҳатлар бериши, уларнинг тақдирига бефарқ қараб турмасликлари қувонарли ҳолат, албатта. Аммо ҳозирги кунда кичик ва аҳамиятсиз жанжаллар катталар аралашуви натижасида йириклашиб, жиддий муаммога айланиб қолаётганлиги, шу сабабли эр-хотин ўртасида турли хил келишмовчиликлар келиб чиқаётганлиги, бу муаммолар ва аралашувларнинг охири никоҳнинг бузилишига олиб келаётганлиги ачинарли ҳолат. Учинчи сабаб сифатида молиявий муаммоларни келтиришимиз мақсадга мувофиқ. Чунки деярли барча масалаларда асосий ролни пул, яъни молиявий муносабатлар ўйнайди. Аслида аёлнинг, фарзандларнинг моддий таъминоти тўлалигича эркак бўйнида эканлиги одатий ҳолат ҳисобланади. Куёвликка даъвогарлик қилаётган шахс отасининг пулига, оиласининг мавқейига ёки бошқа ўзига тегишли бўлмаган, ўз кучи билан эришмаган нарсаларига ишониб қарор қабул қилиши ва ҳаракат қилиши эмас, балки ўзининг пешона тери билан ишлаб топган ҳалол пули билан оиласини боққандагина "оила бошлиғи" деган номга сазовор бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади. Шунингдек, ҳеч бир шахс, ҳаттоки ота-она ҳам оила масалаларига аралашишга ҳаққи йўқ. Ажралишнинг асосий сабабларининг кўп фоизи турмуш ўртоғининг қўполлигидан, ота-она ва ўзга қариндошларнинг ёшлар ҳаётига аралашуви ва турмуш ўртоғининг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидан келиб чиқади. Ёшлар орасида севги-муҳаббат ҳисларининг йўқлиги ва ўйламасдан оила қуриш талайгина фоизни ташкил қилади. Аксарият ажралишлар ёшларни муомала маданиятига эътибор бермасликларидан ёки уларда муомала маданияти йўқлигидан, катталарнинг ёшлар оилавий ҳаётига аралашувидан, оила қураётган ёшларнинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмаслик, ота-оналарнинг ёшлар тақдирини ўзларича ҳал қилиши, ёшларни ҳаётга тайёр эмасликларидан келиб чиқади. Ҳар бир оилавий ажримга жамиятнинг катта фожиаси сифатида қараладиган фурсат етиб келди. Ҳар бир инсоннинг оилавий бахт топишга, ҳаётини тинчлик тотувликда кечиришга ҳаққи бор. Оиладаги ажримларнинг олдини олишда асосан, ёшларни оила илмига ўргатиш мақсадга мувофиқ. Уларда оила муқаддас қўрғон эканлиги тўғрисидаги тушунтириш ишларини бутунлай янги босқичда, ноодатий усул ва ёндашувлар асосида олиб бориш керак.

Севинч МУҲАММАДИЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Қадим Хадранинг беклар (бейлар) обасида эл қатори бир оила яшайди. Уларнинг аждодларини Абдураҳмонбей дер эдилар. Абдураҳмонбейдан Абдуллабей ва ундан Йўлдошбей дунёга келади. Йўлдошбейдан Раҳмонбей, Илҳомбей, Расулбей ва Малоҳат туғилади. Бўлажак Расул бахшининг ота-онаси деҳқон инсонлар бўлиб, фарзандларининг келажаги учун қайғуради. Қай бири ўқийман, деса шароит яратиб беради. Йўлдошбей оға ўртанчи боласининг санъатга қизиқишини пайқаб, уни мусиқа ва санъат мактабининг қашқар рубоби курсига ўқишга қўйди ва қашқар рубоби сотиб олиб беради. Кейинчалик Илҳомбойни скрипка бўлимига ўтказишгач, скрипка олиб беради. Шундай қилиб оилада бир рубоб ва битта скрипка пайдо бўлади. Уни оиладаги фарзандларининг ҳаммаси чалишга иштиёқманд эдилар.



“Уйимиз ёнида бизга қўшни бўлган Қадамбой оға деган оддий деҳқон йигити бўлгич эди. У Бобомурод Ҳамдамовнинг қўшиқларини маромига етказиб айтарди. Ундан биз ҳам қўшиқларини ёд олиб хиргойи қилиб юрардик”, дея эслайди Расул бахши.

Бир куни Расулбек бахшининг тоғаси тўй қилади.Тўйга Қорақалпоғистондан Бахтиёр қори Султонов ҳам ташриф буюради. Тўй олдидан меҳмонхонада ўтиришганида тоғаси эндигина мактабга борган Расулбекни Бахтиёр қорига рўбарў қилади.

– Бизнинг жиян ҳам санъаткорликка қизиқади, шу болани ҳам бир эшитиб кўринг, – дейди. Расулбек қўшниси Қадамбой оғадан ўрганган қўшиғини бошлайди:

Эй кўнгил бўлгил адаб бўстонида гулзорлар
Келса гулни тож этар бошига ҳам гулторлар.

Бахтиёр қори ёшгина боланинг овозига маҳлиё бўлиб қўлига торини олиб, Расулбекка жўр бўлади ва Расулбекни Хивадаги мусиқа ва санъат мактабига ўқишга беринглар, келажаги бор бола, кўз тегмасин, дея унинг эгнидан қоқиб қўяди. Шу-шу Расулбек янги ўқув йилидан Хивада ўқий бошлайди.

Матёқуб бахшининг олдига қўлида қашқар рубоб ушлаган, жусасаси кичкинагина, ориқдан келган, қорамағиз бир болани олиб киришди. Матёқуб болага бошдин оёқ разм солиб, ундан қаердан эканлигини сўради.

– Хадраданман, – деди бола устозга тортиниброқ.

– Қўшқўпирданми? Балли. Жуда яхши. Хадра бизнинг қўшни қишлоқ. Кам бўлманг. Бир икки нома айтиб беринг қани, бир эшитайлик.

Бола қўлига рубобини олиб ўрганган куйини чалиб берди.

– Яхши, яхши, энди сўзи билан айтингчи?

Бола ўйланиб қолди. Қайсидан айтсам экан дедими? Охрир қариндоши Отаназар оғадан ўрганган қўшиқни бошлади.

Ҳар дақиқа бирга бўлган,
Ёлғизлигим билиб турган,
Ризқу-рўзим бериб турган,
Аллоҳимдан минг розиман.

Матёқуб бахшига боланинг тиришқоқлиги ёқди. Айниқса берилиб қўшиқ куйлаётгани унинг диққатини тортди. Ўргатса яхши бахши чиқади, кўнглига тугиб қўйди у. Боланинг Хадраданман, деганига хаёлига отаси Болабахшининг айтган бир ривояти ёдига тушди. Қадим Эшвой бахши Хива хонлигида созанда бўлиб ишлар экан. Шовотдан ҳар куни отда эрта тонгдан йўлга чиқиб, қуёш чиққанида Хивага кириб келар экан. Хоннинг базмида қатнашиб, яна изига қайтар экан. Эшвой бахши хоннинг олд созандаларидан бири бўлиб, жуда хушовоз бахши экан. Унинг овозига ҳатто булбуллар ҳам нола қилиб сайраб юборишар экан. Халқ ҳам Эшвой бахшини жуда севишар, Хивадаги ҳеч бир тўй унинг иштирокисиз ўтмас экан. Кунларнинг бирида Эшвой бахши хон саройига отни йўрттириб келаётса, Хадранинг Тақирдовуқ деган жойидан бир бева аёл унинг йўлини интизорлик билан кутиб турган бўлади. У аёлнинг эри оламдан ўтиб, яккаю ягона ўғлини ўзи ҳам ота, ҳам она ўрнида боқаётган эди. Шу куни у боласига суннат тўйи қилиб бераётган бўлиб, элнинг катхудоларига “Агар эрим ҳаёт бўлганида боламнинг тўйига бахши олиб келиб, соз-суҳбат қилдириб берган бўлар эди”, дейди. Шунда элнинг катталаридан бири: “синглим агар хўп деса, шу йўлдан ҳар куни Хивага, хон саройига Эшвой бахши ўтади. Бир оғиз айтиб кўрсангиз йўқ демас”, дейди. Бева аёл Эшвой бахшининг йўлини интизорлик билан кутиб, рўпарасига келгач уни тўхтатади. Бор гапни ялиниб, ёлвориб, кўзида ёш билан айтиб бергач, аёлнинг йиғлаганини кўриб Эшвой бахши қандай қилиб хўп, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолади. У тўйда икки соатлар хизмат қилиб, қолиб кетади. Эшвой бахши бева аёлнинг ҳурмати учун оламондан тушган пулларни ҳам рўмолга тугиб унга ташлаб қайтади. Хон базмига кечикиб борган Эшвой бахшини оғир қисмат кутаётган эди. Уни хон минорадан ташлаб ўлдиришга фармон беради. Уни ҳибсга оладилар. Бу гапни эшитган бутун Хива ва Хадра халқи шу куни эрталабгача қўлига илинган юмшоқ нарсаларини миноранинг теварак атрофига тўплашади. Мақсад агар Эшвой бахшини минорадан ташлашса юмшоқ ерга тушиб тирик қолсин. Эртага чошгоҳда хон амри ижро этилади. Уни баланд минорадан ташлашади. У юмшоқ нарсаларнинг устига тушиб, тирик қолади. Эшвой бахшини хоннинг ўзи ҳам ўлдиргиси йўқ эди, аммо базмда айрим одамларнинг чақимчилиги сабаб, “минорадан ташланиб, қатл этилсин”, деган сўз оғзидан чиқиб кетган эди. Тирик қолган Эшвой бахшини хон ёнига чақириб, “кўрдингми сени халқнинг меҳри сақлаб қолди”, деган экан.

“Бу бола ана шу бахшисевар Хадра юртидан. Яхши ўрганса улли бир бахши бўлиши сезилиб турибди”, кўнглидан ўтказади Матёқуб бахши.

Расулбек бахши Абдураҳмонов 1993 йил 15 декабрда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги Хадра қишлоғида туғилган. У илк мусиқий таълимни Хива шаҳар 5-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида устози Матёқуб бахши Абдуллаевдан олади. Мактабни тамомлагач, 2009 йил Урганч санъат коллежига, бахшичилик йўналишига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади. У ерда Бозорбой Ўринов, Отабой Холлиев, Дурдивой Каримов каби устозлардан санъат сирларини қунт билан ўрганади.



Расулбек 2016-2020 йилларда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти халқ ижодиёти кафедраси фольклор ва этнография факультетини тамомлайди. Кейин ўқишни давом эттириб, шу факультетнинг магистратурасини ҳам битказади. Расулбек ҳозирда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Достон ижрочилиги” кафедрасида ўқитувчи бўлиб, ёш бахшиларга бахшичилик санъатидан таълим бериб келмоқда. Ижодий фаолияти давомида юртимизнинг турли байрам томошаларида ўзининг бахшичилик санъати билан қатнашиб келмоқда. Бахши ижро этган достонлар телеканалларимиз орқали мунтазам намойиш этиб келинмоқда. Расулбек бахшичилик йўналишида кўплаб танловлар ва фестеваллар ғолибидир. У устози раҳматлик Матёқуб бахши Абдуллаевдан Хоразмнинг миллий бахшичилик услубларини ва кўплаб достонларни ўрганди. Гўрўғли туркум достонларидан “Авазхон”, “Бозиргон”, “Ҳирмондали”, ошиқона достонлардан “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхон”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Саётхон ва Ҳамро” каби достонлар шулар жумласидандир. Эндигина 31 баҳорни қаршилаган ёш бахшининг халқ олдидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Биз ҳам ёш бахшига келгуси ишларида омадлар тилаб, парвозинг баланд бўлаверсин, Расулбек, деймиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ



Аллоҳ таоло бу дунёни синов майдони қилиб яратди. Унда инсоннинг қандай умр кечириши, неъматларни қайси йўлга ишлатишига қараб охиратдаги манзил-макони аниқ бўлади. Инсоният доимий имтиҳонда эканини қуйидаги ояти карима мазмунидан билиб оламиз: “(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У Азиз (қудратли) ва Ғафур (кечиримли)дир” (Мулк сураси, 2-оят).

Бу имтиҳон дунёсида яхши ҳам бор, ёмон ҳам бор, ҳалол ҳам бор, ҳаром ҳам бор. Ҳамма нарса ҳалол, ҳамма бир хил мўмин-мусулмон бўлганида синовдан маъно қолмаган, ёмон бўлмаса, яхшининг қадрига етмаган бўлардик.

Мўмин-мусулмонлар ўзаро ёру биродар бўлиб, дунёдаги синовлардан яхши ўтиб олишлари учун, бир-бирларини тўғри йўлга чақириб, ёмонликдан қайтариб турадилар. Агар ҳамма “Ўзим чиққан тепа омон бўлсин”, деб ҳаракат қилса, яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш бўлмаса, жамиятда фисқу-фасод кўпаяди ва тобора зарари катталашиб боради. Буни қуйидаги ҳадиси шарифдан билиб оламиз: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё яхшиликка буюрасиз ва ёмонликдан қайтарасиз, ёки бўлмаса, Аллоҳ таоло устингизга бир балони юборади, ундан кейин қанча дуо қилсангиз ҳам дуоингиз қабул бўлмайди” (Имом Термизий ривояти). Аллоҳ таоло кечиради, кечиради кеч уради, деган ибратли гап бор. Ҳозирги кунда баъзи инсонлар ўзи устида бўлиб турган неъматлар қадрига етмай, шу неъматлар шукрини адо этмай қўйди. Нима учун ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳивасаллам инсон ўзидан юқоридаги инсонга қарайверса, ўзидаги неъматнинг қадрига етмайди, ўзидан пастдаги инсонларга қаралса, ўзидаги Аллоҳ таоло берган беҳисоб неъматлар қадрига етган бўлар эди деганлар. Улуғларнинг ибратли бир гапи бор: “Ватан манга нима қилиб берди деб эмас, мен ватанимга нима қилиб бера олдим”, деган туйғу билан яшаш керак. Нима учун бу иборани келтираяпмиз? Ҳозирги кунда юртимиздаги ўзгаришлар ва риволанишларни кўра олмаётган ва шу неъматларга ношукрчилик қилаётган баъзи инсонларни кўриб, ҳолига ачинасан. Ота-онаси истиқомат қиладиган, қариндош-уруғлари, опа-сингиллари яшайдиган муқаддас заминга тош отиш, туҳмат ёғдириш энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мумин инсон ватанига хиёнат қилмайди, ватанига қилган хиёнат кечирилмас гуноҳлардан эканлиги ҳақида огоҳлантирганлар. Шу ҳадисдан келиб чиқиб, барчамиз жамиятдаги ёмон иллатларни йўқотишга имкон қадар ҳиссамизни қўшишимиз керак. Буни маълум бир идораларнинг иши деб ўйламайлик! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қаерда аҳиллик ва бирдамлик бўлса ўша жойда файзу барака ва ривожланиш бўлади, деганлар. Шунинг учун барча мўмин-мусулмонлар аҳилу иноқ бўлсак, юрт равнақи ва ривожига ҳисса қўшган бўламиз. Ёшларга, айниқса, уларнинг ўсмирлик даврида чиройли тарбия, гўзал ўрнак кўрсатишимиз керак. Улар ким билан юрибди, ким билан дўст тутинди, суриштириб, огоҳ бўлиб туришимиз лозим. Уларнинг кўпчилиги ёмон дўстлар сабабли, ичкилик ва гиёҳвандликка ўрганиб қоладилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аксарият жиноятларнинг илдизи бекорчиликка бориб тақалади. Халқимизда бекорчидан Худо безор, деган гап бор, бекорчи инсонни Аллоҳ таоло ҳам яхши кўрмайди. Фарзандларимизни билимли, маърифатли, меҳнатсевар, ғайратли, ўз касбини пухта биладиган қилиб тарбиялаш келажакда уларнинг халқимизга, динимизга фойдали инсон бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун фарзандларимизнинг бекорчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслигимиз, балки уларни билим олиш, китобхонлик, турли тўгараклар, спорт билан шуғулланиш, маданий ҳордиқ билан банд қилишимиз керак. Бу масала ҳозирги кунда ҳукуматимиз диққат эътиборида турган иш бўлиб, ёшларга барча шароитлар яратиб берилмоқда. Эртага сизу бизнинг ўрнимизни эгаллаб, ўзбек халқининг, мўмин-мусулмонларнинг хизматини қиладиган ёшларимиз ҳар тамонлама илмли, билимли ва комил инсон бўлишлари керак. Бунинг учун биз ёшларимизга ҳар жиҳатдан ўрнак ва намуна бўлишимиз керак.

Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,
Норин туманидаги “Умархўжа эшон” жомеъ масжиди имом хатиби.

Реклама



Эълонлар

Олмазор тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2024 йил 12 январь куни 2357245-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «EVOLT TIMES» (СТИР: 308530316) масъулияти чекланган жамиятига Олмазор тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2024 йил 13 феврал куни 2383714-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган “ELECTRO TIMES” (СТИР: 307481838) масъулияти чекланган жамияти кўшилиши муносабати билан «EVOLT TIMES» масъулияти чекланган жамияти “ELECTRO TIMES” масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун тел: +99890) 007-07-27

Mas ’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi “INFRAZIYA KAPITAL” qo‘shma korxonasining (STIR: 310 686 597) ustav jamg‘armasi 1 000 000 000 (bir milliard) so‘mdan 10 000 000 (o‘n million) so‘mga kamaytirilayotganligi ma ’lum qilinadi. Qo‘shma korxonaning ustav fondi kamaytirilishi munosabati bilan manfaatdor shaxslarning e ’tirozlari Toshkent shahar, Mirzo Ulug‘bek tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 107-uyda qabul qilinadi. Murojaat uchun telefon: +998 99-740-14-45.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1217. 1020 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.45